

ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШДА РЕНТАБЕЛЛИК МАСАЛАЛАРИ

Құдратов Зоҳиджон Шавкат ўғли

Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистранти

АННОТАЦИЯ

Уибү мақолада давлат иштирокидаги корхоналарни хусусийлаштиришининг иқтисодий тараққиётга ҳиссаси, бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган исплоҳотларнинг моҳияти борасида фикр-мулоҳазалар келтирилган.

Калим сўзлар: Давлат, корхона, хусусий мулк, қонун ва ҳужжатлар, рентабеллик.

ABSTRACT

This article presents opinions on the contribution of privatization of state-owned enterprises to economic development and the essence of the reforms implemented in our country in this regard.

Key words: State, enterprise, private property, laws and documents, profitability.

КИРИШ

Мулкий муносабатларни такомиллаштириш, мулкчиликни таркибий ўзгартириш бозор иқтисодиёти шароитидаги мамлакатлар учун энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу боисдан, Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб мулкий муносабатларга, жумладан, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларига алоҳида эътибор қаратилди.

Маълумки, тоталитар тузумда иқтисодий ҳаёт сохта сиёsat, мафкуравий мақсадларга бўйсундирилади. Сиёsat ва мафкура иқтисодиётдан устун ҳисобланади ҳамда иқтисодиётни ривожлантириш стратегияси уларга мослаштирилади. Собиқ Иттифоқ даврида худди шундай вазият юзага келган. Унинг иқтисодий негизини давлат ва колхоз-кооператив мулк шаклларидан иборат умумхалқ мулки деб аталган “эгасиз мулк” ташкил этарди. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг 90 %дан ортиғига давлат эгалик қилгани боис иқтисодиётда яккаҳокимлик ҳукм сурган. Иқтисодий ҳаёт, хўжалик юритиш ягона марказдан маъмурий-буйруқбозлиқ асосида бошқарилиб, ишлаб чиқариш турлари ва ҳажми, тақсимот қатъий режалаштирилган ҳолда белгилаб берилар эди. Шунинг учун ҳам халқда, ҳам давлатда мазкур мулкка нисбатан мулқдорлик ҳисси мавжуд бўлмаган. Мулкка нисбатан бундай тартибининг ўрнатилганлиги одамларни мулқдан бегоналлашиб кетишига сабабчи бўлди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Давлат иштирокидаги корхоналарни хусусийлаштириш масаласи хориж ма маҳаллий тадқиқотчилар томонидан кенг ўрганилаётган илмий тадқиқот ишларидан бири ҳисобланади. Жумладан хорижда Mc. Connell, N. Gregory Mankiw, A. Samuelson, D. William каби тадқиқотчилар хусусийлаштиришнинг мамлакат иқтисодиётига таъсири масалаларига оид илмий изланишлар олиб борганлар¹.

Мамлакатимизда мустақилликнинг ilk йилларида ушбу соҳага оид “Мулкчилик тўғрисида”ги ҳамда “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонунлар давстлабки қонунлар қаторига киради.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Давлат иштирокидаги корхоналарни хусусийлаштиришнинг рентабеллиги масалаларига бағишиланган ушбу мақолада анализ ва синтез, индукция ва дедукция, қиёслаш ва аналогик таҳлил методларидан фойдаланилди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР МУҲОКАМАСИ

Давлат мулки бу мулкдорликнинг барча шакллари, барча мол-мулклар ва мулкий ҳуқуқлар учун давлатга қарашли ва унинг вазифаларини бажаради. Давлат мулки тушунчаси "давлат" тушунчаси билан узвий боғланган бўлиб, улар доимо бир-бирига тааллуқлидир. Давлат мулкини хусусийлаштириш ҳақида сўз юритадиган бўлсак, давлат мулкини хусусийлаштириш бу - давлатнинг ўз ихтиёрига кирадиган мол-мулк обектлари, корхоналар, ишлаб чиқариш воситалари, транспорт воситалари, уй-жой, табиат ресурслари ва бошқаларни давлат тасарруфидан чиқариши ва фуқаролар, давлатга тегишли бўлмаган юридик шахсларга бериши ёки сотилиши шунингдек давлат мулки асосида турли мулк шаклларини вужудга келтириш демакдир².

Хусусийлаштириш — жисмоний шахсларнинг ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг оммавий мулки обектларини ёки давлат акцияли жамиятларининг акцияларини давлатдан сотиб олишидир³. Давлат мулкини хусусийлаштириш давлат мулкини келгусида шу мулк негизида хўжалик фаолияти юритувчи ва унинг натижалари бўйича тўлиқ мулкий мас'улиятни зиммасига олувчи иқтисодий субъектларга турли шартларда бериш ёки сотиш орқали амалга оширилади ва мулк эгасини ўзгартиришни

¹ Mc. Connell, Brue. Economics. 17 th edition. McGraw-hill/Irwin, USA, 2014; N. Gregory Mankiw. Principles of Economics, 7th edition. Amazon, USA 2016; Paul A. Samuelson, William D. Nordhaus. Economics. 19th Edition. McGraw Hill Companies. USA. 2015.

² Й. Абдуллаев. Бозор иқтисодиёти асослари. – Тошкент: Мехнат. 1997. – Б. 132.

³ <https://lex.uz/docs/-12701>

назарда тутади. Давлат тасарруфидан чиқариш ва давлат мулкини хусусийлаштириш мулкни бепул бериш, корхонани имтиёзли шартларда сотиш, акцияларни сотиш, корхоналарни ижарага бериш, майда корхоналарни кимошлиди савдосида сотиш ва бошқа усулларда амалга оширилади. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши ман этилган шахслар давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириледиган обектларни сотиб олишлари, танлов ва ким ошлиди савдосида харидор сифатида қатнашишлари, хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг (акциядорлик жамиятлари бундан мустасно) акцияларини сотиб олишлари мумкин эмас. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш обектининг сотув нархини оммавий мулк обектларини тасарруф этувчи белгилайди. Сотув нархини белгилашда обектнинг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш вақтидаги қийматига асосланилади ҳамда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ўтказилаётган пайтдаги бозорнинг жорий коњюнктураси ва обектнинг қийматига таъсир қўрсатувчи обектив омиллар мажмуи ҳисобга олиниши лозим. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан келган даромадлар давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш маҳсус фондларида жамланади. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш фондларини тузиш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг асосий устувор йўналишларидан бири давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш, хусусий мулк ролини янада мустаҳкамлашдан иборатdir.

Хусусийлаштириш миқёси аввало, у ёки бу мамлакатда хусусий секторни қай даражада миллийлаштириш даражасига боғлиқ. Хусусийлаштириш бир қанча давлатларда қўйидагича амалга оширилди: Буюк Британия тажрибаси, биринчи навбатда, хусусийлаштириш шаклларининг хилма-хиллиги, мамлакат бюджети учун юқори рентабеллик, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, хусусийлаштиришдан кейинги даврда ишлаб чиқаришни назорат қилиш билан ажралиб туради⁴.

Францияда эса хусусийлаштириш бюджет тақчиллигини Европа Иттилоқига аъзо бўлиш учун зарур бўлган даражага тушириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқаришда кенг аҳолининг иштирок этиш имкониятини таъминлаш мақсадида амалга оширилди. Франциянинг хусусийлаштирилиши ялпи ички маҳсулот, саноат ишлаб чиқариши ва иқтисодий самарадорликнинг

⁴ Mc. Connell, Brue. Economics. 17 th edition. McGraw-hill/Irwin, USA, 2014. – P. 71.

ошишига олиб келди. Франция хусусийлаштиришнинг асосий хусусиятлари қўйидагилардан иборат: фуқаролар ўртасида улушларнинг оммавий тақсимланиши, синчковлик билан танланган стратегик инвесторларни жалб қилиш, хусусийлаштиришдан кейин давлат назорати, давлат мулкида стратегик тармоқларнинг сақланиб қолиши ва давлат бюджетига юқори даромад келтириши. Белгияда хусусийлаштириш ёки учинчи шахсларнинг ишончли бошқарувига бериш тартибларини тартибга солувчи маҳсус қонун хужжатлари мавжуд эмас. Хукумат ҳар бир корхона учун маҳсус қарор ва фармойишлар қабул қиласи. Хусусийлаштиришни ташкил этиш учун Федерал холдинг компанияси тузилиб, унга хусусийлаштирилган корхоналарнинг улушлари берилди. Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда хусусийлаштирилган корхоналарни қайта қуриш ва сотишдан олдинги тайёргарлик ишларини олиб борди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳам давлат корхоналарини хусусийлаштириш орқали уларнинг рентабеллигини ошириш масаласига катта аҳамият қаратилмоқда. Жумладан, хусусийлаштириш шакл ва услубларини такомиллаштириш, корхоналарни тўлиқ ва акцияларнинг давлат пакетларини хусусий мулкка сотиш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар иқтисодиётнинг амалдаги барча соҳаларида мулкчилик муносабатларини тубдан ўзгартириш жараёнларини жадаллаштириш ва чуқурлаштириш учун шарт-шароит яратди. Давлат активлари ва акциялар пакетларини нолга teng қиймат бўйича сотиш кейинги йилларда амалга оширилган хусусийлаштириш жараёнининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Хусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнес, фермер хўжаликлари ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида туб бурилиш амалга оширилмоқда⁵.

Шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 3.4. бандига мувофиқ, давлат мулкини хусусийлаштиришни янада кенгайтириш ва унинг тартиб-таомилларини соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш, давлат мулки хусусийлаштирилган обьектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш вазифалари тасдиқланган.

Жумладан, хусусийлаштирилган давлат мулки негизида хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини сифат жиҳатдан ўзгартиришни таъминлаш, тадбиркорлик субъектларини

⁵ А. Ўлмасов, А.Б. Вахобов Иқтисодиёт назарияси. “Иқтисод молия” 2014. – Б. 276.

хусусийлаштирилгандан кейин амалий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, давлат мулкидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Президентимизнинг 2019 йил 14 январь ПФ-5630-сонли фармони билан Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси негизида Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги ташкил этилиши белгиланди ва Президентимизнинг 2019 йил 14 январдаги ПҚ-4112-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг таркибий тузилмаси ва марказий аппаратининг тузилмаси тасдиқланди.

Мазкур Агентлик Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва давлат, шу жумладан чет элдаги активларини бошқариш, хусусийлаштириш тадбирларини амалга ошириш (шу жумладан давлат улушларини сотиш), давлат активларини ижарага бериш, хўжалик жамиятларида корпоратив бошқарувни жорий этиш, иқтисодий начор хўжалик жамиятларини молиявий соғломлаштириш, банкротлик, баҳолаш фаолиятида давлат томонидан тартибга солиш ва мулкни баҳолаш стандартларини тасдиқлаш бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 майдаги 404-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги тўғрисидаги низом ҳам тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июнь, 523-сон қарори билан Ипотека-банкни хусусийлаштириш ва 2022 йил охиригача банк устав капиталида давлат улушини 50 фоиздан камайтириш масаласи қўйилди.

ХУЛОСА

Ушбу тадқиқот бўйича қўйидаги хулосаларга келинди:

Мамлакатимизда қулай инвестициявий муҳитни яратиш, хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан тизимли ислоҳотлар амалга оширилаётганлигига қарамай, айрим тармоқлар ва йирик корхоналарда бозор механизмларига ўтишнинг кечикаётганлиги янги турдаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, илгор технологияларни жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, хусусий капитални фаол жалб қилган ҳолда янги иш ўринлари яратишга тўскинлик қилмоқда. Шу нуқтаи назардан, давлат иштирокидаги корхоналарда истеъмолчига йўналтирилган замонавий бошқарув усуслари, очиқлик, шаффоффлик ва бозор тамойилларини жадал жорий этиш, таннархни пасайтириш орқали даромадларни ошириш, ислоҳотлар жараёнида хусусий

капитал иштироки учун кенгроқ имкониятлар яратиш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва рақобат муҳитини янада яхшилаш ушбу корхоналарнинг рентабеллик даражаси ошишига хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикасининг Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги Қонуни 19.11.1991 йил
3. Ўзбекистон Республикасининг Мулкчилик тўғрисидаги Қонуни 31.10.1990 йил.
4. Й. Абдуллаев —Бозор иқтисодиёти асослари. – Тошкент: Мехнат. 1997.
5. Т. Жўраев, Д.Тожибоева. Иқтисодиёт назарияси. – Тошкент: 2012.
6. А. Ўлмасов, А.Б. Вахобов Иқтисодиёт назарияси. “Иқтисод молия” 2014.
7. Ш.Ш. Шодмонов, У.В. Гофуров. Иқтисодиёт назарияси. “Иқтисод молия”. 2010.
8. Mc. Connell, Brue. Economics. 17 th edition. McGraw-hill/Irwin, USA, 2014.
9. N. Gregory Mankiw. Principles of Economics, 7 th edition. Amazon, USA 2016.
10. Paul A. Samuelson, William D. Nordhaus. Economics. 19 th Edition. McGraw Hill Companies. USA. 2015.